

Ҳ У К М  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил август ойининг 04 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья К.Рахимов, М.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчилари А.Хапизов ва Э.Омонбоевлар, судланувчи XXXXX ва жабрланувчи XXXXXнинг иштирокида, XXXXX XXXXX XXXXXни айблаш ҳақидаги 1-1501-2104/952-сонли жиноят ишини кўрди. Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXX XXXXX XXXXX (XXXXX XXXXX XXXXX) - 1991 йил 20 август куни Риштон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, муқаддам 2016 йил 06 январдан 2019 йил 02 декабрга қадар “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона вилояти бўлимида 1-тоифали мутахассис ва етакчи мутахассис вазифаларида ишлаган, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2018 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2020 йил 08 январдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган (шартли жазо муддати ўтмаган), жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг 2020 йил 13 мартдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 9 ой 22 кун қўшимча жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган (шартли жазо муддати ўтган);

2) жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2021 йил 02 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга давлат муассасаларида мансабдорлик лавозими ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 10 ой 15 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, асосий жазонинг 3 ойини ўтаган, 2 йил 7 ой 15 куни ўтамаган, қўшимча жазонинг 3 ой 3 кунини ўтаган, 1 йил



8 ой 27 кунини ўтамаган, XXX тумани, “XXX” м.ф.й., XXX кўчаси, XX-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 05 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи XXXXX XXXXX XXXXX 2016 йил 06 январдан 2019 йил 02 декабрга қадар “Ўзмилийбанк” АЖ Фарғона вилояти бўлимида етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил ноябрь ойида фуқаро XXXXX XXXXX XXXXXни мазкур банкдан таълим кредити олганлигидан хабар топиб, унга вақтинча хизмат кўрсатиб, кредит учун ҳар ойда тўлаб келган жами 12.000.000 сўм миқдордаги нақд пулларини XXXXXнинг турмуш ўртоғи XXXXXдан қабул қилиб олиб, XXXXXни номидан ўзи топширишини айтиб, уни алдаб, мазкур пулларни унинг кредити учун банк ғазнасига тўлов қилмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи XXXXX судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, Фарғона шаҳридаги “Миллий банк” Фарғона вилояти филиалида 2016 йилдан 2020 йиллар давомида етакчи мутахассис лавозимида ишлаганини, ҳақиқатдан ҳам иш давомида фуқаро XXXXX таълим кредити олганлигини билганини, уни кредит ҳужжатлари билан танишганида, банкдан 2015-2016 ўқув йиллари учун таълим кредити олган бўлганини, XXXXX кредитни ҳар ойда имкониятига қараб тўлаганини, кредит тўлови сифатида ундан нақд пулларни қабул қилиб, банк кассасига топширганини ва кейинроқ XXXXXга квитанциясини берганини, лекин аслида уни пулларини банкдаги ҳисоб рақамига ташламай, ўзини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатганини, кредит тўлов учун келган XXXXX ва уни турмуш ўртоғи XXXXXларга тўлов учун берган пулларини ўзига олиб қолиб, уларга тўлов қилганлиги ҳақида ва қарзи йўқлиги тўғрисида квитанция ёзиб берганини, улар бунга ишонишганини, уларнинг жами кредит тўлови 12.000.000 сўм бўлганини, ушбу тўловни барчасини улардан ўзи қабул қилиб олганини, лекин кассага кирим қилмаганини, ўзи учун ишлатиб юборганини, XXXXX 2019 йил ноябрь ойида охириги тўловни тўлаганини, қилмишини яшириш мақсадида уларни алдаб, муддати ўтган қарздорлиги йўқлиги ҳақида ёлғон гапирганини, лекин XXXXXни таълим кредити бўйича қарздорликлари бўлганини, шундан кейин XXXXX ва XXXXXлар билан бошқа кўриша олмаганини, 2020 йил 12 июнь куни ишдан бўшаб кетганини, ҳозирда



суд унга вақт бергани учун ХХХХХга етказган 12.000.000 сўм зарарни пенялари билан тўлиқ тўлаганини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи ХХХХХ судда, ҳақиқатдан ҳам турмуш ўртоғи ХХХХХнинг Фарғона Давлат Университетидаги ўқиши учун 2015-2016 йилларда Миллий банкдан “таълим кредити” олинганини ва ҳар ойда 400.000 сўмдан тўлаб келганини, ушбу тўловларни амалга ошириш учун банкка борганида, у ерда банк ходими ХХХХХ ундан пулни қабул қилиб олганини, аксарият ҳолларда мактабда ишлашлиги сабабли вақти бўлганда нақд пул олиб бориб берганлигини, вақти бўлмаган вақтларда эса ХХХХХ айтган пластик картага пул ўтказиш йўли билан тўловларни амалга ошириб келганини, унга ишониб қолганлиги ва ХХХХХни пулларни кредит учун “тўлаб боряпти” деб ўйлаганини, кейинчалик ХХХХХ тўлов вақти келганида унга кўнғироқ қилиб, тўлов муддати келганлигини айта бошлаганини, шундан сўнг 2019 йилнинг июнь ойида банкка тўлов қилиш учун борганини ва ХХХХХдан қанча қарздорлик қолганлигини сўраганида, ХХХХХ унга 5.600.000 сўм қарздорлик қолганлигини айтганини, ҳар ойда 400.000 сўмдан тўлов қилиб, 2019 йилнинг ноябрь ойида кредитни ёпиш мақсадида дастлаб 1.600.000 сўм, кейин 2.000.000 сўм тўлаб кредитни ёпганини, ХХХХХ ҳам унга кредит ёпилганлигини айтганини, 2020 йилнинг август ойида унинг телефонида таълим кредитидан қарздорлик тўғрисида “смс” хабарлар кела бошлаганини, шунда бу ҳолатни аниқлаштириш мақсадида банкка борганини, бу вақтда ХХХХХ ишдан бўшаб кетган бўлганини, ҳолат бўйича банк ходимларидан сўраганида, улар охириги тўлов 2019 йил сентябрь ойида тўланганини, ХХХХХ орқали ўтказилган пуллар банк ҳисобига тушмаганини, ХХХХХ бир неча фуқароларнинг пулини шу тариқа ўзлаштириб олганлиги учун ишдан бўшатирилганлигини айтишганини, уларга ХХХХХ берган ҳужжатни кўрсатганида, ХХХХХ томонидан тайёрлаб берилган ҳужжат аслида тўлиқ кредитни ёпилганлиги эмас, балки муддатидан ўтган қарздорлиги йўқлиги ҳақидаги маълумотнома эканлигини тушунтиришганини, шунда ХХХХХка кўнғироқ қилганида, биров муддат кутиб туришини, кредитнинг ҳамма тўловини ўзи қоплаб беришини, пулларни ишлатиб юборганлигини айтганини, шундан сўнг уни ноқонуний ҳаракатлари устидан ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирда ХХХХХ томонидан унга етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганини, ХХХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга қонуний енгиллик берилишини сўради.

Гувоҳ ХХХХХ судда, жабрланувчи ХХХХХни кўрсатувида мазмунан ўхшаш кўрсатув бериб, ҳақиқатдан ҳам ХХХХХни турмуш ўртоғи эканини, 2015-2016 йиллари Фарғона Давлат Университетида таҳсил олгани учун Миллий банкдан шу ўқув йиллари учун таълим кредити олганини, кредит тўловларини турмуш ўртоғи билан Миллий банкда ишловчи ХХХХХ орқали тўлаб боришганини, турмуш ўртоғи вақти бўлмаганлиги учун тўловларни ХХХХХ айтган пластик картага пул ўтказиш йўли билан тўлаганини, охириги тўловни турмуш ўртоғи 2019 йил ноябрь ойида банкка бориб тўлаб, кредитни ёпганини, лекин 2020 йил август ойида турмуш ўртоғининг телефонида кредитдан қарздорлиги борлиги ҳақида “смс” хабарлар кела бошлагани,



шундан сўнг турмуш ўртоғи суриштирганида ХХХХХ уларни алдаб, улар ўтказиб берган пулларни кредитлари қарзи эвазига тўламасдан ўзи учун ишлатиб юбориб, уларни алдаб келганини аниқланганини, сўнг турмуш ўртоғи ИИОга ариза билан мурожаат қилганини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХХХнинг содир этган жинояти ўзининг айбига тўлиқ икром бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчи ХХХХХ, гувоҳ ХХХХХни суддаги кўрсатувлари ҳамда дастлабки тергов давомида тўпланган ва суд терговда текширилган ХХХХХнинг аризаси (и.в.5-6), тўлов квитанциялари кредит шартномаси ва иловалари (и.в.23-33), фонограммани эшитиш баённомаси (и.в.34-39), нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотосурат (и.в.40-41), ХХХХХнинг муқаддам судланганлиги ҳақидаги Фарғона вилояти ИИБ тезкор маълумотлар бўлими маълумоти ва ҳукм нусхалари (и.в.56-64) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи ХХХХХни содир этган жиноий ҳаракатини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан уни жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у 2016 йил 06 январдан 2019 йил 02 декабрга қадар “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона вилояти бўлимида етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил ноябрь ойида фуқаро ХХХХХ ХХХХХни мазкур банкдан таълим кредити олганлигидан хабар топиб, унга вақтинча хизмат кўрсатиб, кредит учун ҳар ойда тўлаб келган жами 12.000.000 сўм миқдордаги нақд пулларини ХХХХХнинг турмуш ўртоғи ХХХХХдан қабул қилиб олиб, ХХХХХни номидан ўзи топширишини айтиб, уни алдаб, мазкур пулларни унинг кредити учун банк ғазнасига тўлов қилмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, фирибгарлик жиноятини қасддан содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги ҳамда 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, ХХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми



санкциясида назарда тутилган жазо турларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ бартараф этганлигини, жабрланувчининг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва енгиллик беришни сўраб ёзган аризасини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топишни ҳамда жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашликни ҳамда ХХХХХ мазкур жиноятни хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

Шунингдек, мазкур ҳукм билан тайинланадиган асосий ва қўшимча жазога ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2021 йил 02 апрелдаги ҳукми билан тайинланган асосий ва қўшимча жазоларнинг ўталган қисмини қўшиб ҳисоблаб, жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил асосий жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан далилий ашёлар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган, ТИФ Миллий банк Фарғона филиалига тегишли бир дона маълумотномани жиноят ишида сақлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2021 йил 02 апрель кунги ҳукми билан тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Риштон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

XXXXXга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи XXXXXга етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Рахимов

Ҳукм нусхаси  
аслига тўғри:

